

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

940 «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2832-1

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2016 йил 16 сентябрдаги 35-сон «Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2832, 2016 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 41-сон, 479-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Р. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 7 август,
4-мҳ-сон

Келишилган:

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

И. МАДЖИДОВ

2017 йил 7 август

940-модда

— 244 —

35 (795)-сон

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2017 йил 7 август

Мудофаа вазири

Қ. БЕРДИЕВ

2017 йил 7 август

Ички ишлар вазири

А. АЗИЗОВ

2017 йил 7 август

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Қ. РАФИКОВ

2017 йил 7 август

*Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи
«Ватанпарвар» ташкилоти Марказий
Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2017 йил 7 август